

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

289 **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
хужжатларига қўшимчалар киритиш ҳамда баъзилари
ни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ангрен» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида» 2012 йил 13 апрелдаги ПФ–4436-сон Фармони 10-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий ва фуқаро объектларини лойиҳалаш ва қуришда тегишли тартиб ўрнатиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 27 декабрдаги ПҚ–1666-сон қарорининг 5-банди куйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мазкур банднинг кучи «Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳудудида амалга ошириладиган фаолиятга дахлдор эмас».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011 — 2015 йилларда Ангрен саноат зонаси ишлаб чиқариш имкониятларини ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳалар амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Мувофиқлаштирувчи гуруҳни ташкил этиш тўғрисида» 2011 йил 4 августдаги Ф–3689-сон Фармойиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 4 июнь,
ПҚ–1769-сон